


Жорий йилнинг 7-июн куни Халқ депутатлари Узун тумани Кенгашиning қирқ тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Ушбу бўлиб ўтган сессияда вилоят ҳамда туман Кенгаши депутатлари, алоқадор Бошқарма, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Сессияни туман Кенгаш раиси Б.Турсунов олиб борди.



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЗУН ТУМАН КЕНГАШИННИГ ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ
СЕССИЯСИ**

КУН ТАРТИБИ

2022-йил 7-июн . Узун тумани

1. Маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши ҳолати, қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги юзасидан 2022-йилнинг ўтган даврда амалга оширилган ишларнинг ҳисоботи тўғрисида.

2. Халқ депутатлари Узун туман Кенгашига бўшаб қолган ўринга сайланган депутатларнинг ваколатини эътироф этиш тўғрисида;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 24-февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5006-сонли қарорнинг ижроси юзасидан Узун туманида олиб борилган ишлар тўғрисида;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илмфан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармонинг туманда ижроси тўғрисида.
5. Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласи ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисида;
6. Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг доимий комиссиялари таркибиغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигига ўtkazilgan “Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022-йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” 2021-йил 14-декабрдаги 55-сон баёнининг 44-бандига мувофиқ хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ажратилаётган кредит маблағлари тўғрисида туман тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботи тўғрисида;
8. Бошқа масалалар;


Халқ депутатлари туман Кенгашининг Қирқ тўртинчи сессияси

ИШ РЕГЛАМЕНТИ


1. Маъruzalар учун - 10 дақиқагача
2. Сўзга чиқувчилар учун - 3 дақиқагача
3. Маълумотлар учун - 3 дақиқагача

Маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши ҳолати, қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги юзасидан 2022-йилнинг ўтган даврда амалга оширилган

ишлари,




Халқ депутатлари Узун туман Кенгашига бўшаб қолган ўринга сайланган депутатларнинг ваколатини эътироф этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 24-февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5006- сонли қарорнинг ижроси юзасидан Узун туманида олиб борилганлиги,



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги
“Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илмфан соҳаларини
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармонинг
туманда ижроси, Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласи
ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этилиши ҳамда
Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг доимий комиссиялари таркибиغا
ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ҳисбот ва ахборотлари тингланиб, туман
Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.







Узун тумани ҳокимлиги

ахборот хизмати